2011 ЙИЛ 21 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 142 (11.953)

Баҳоси эркин нархда

Яхши куй-қўшиқ кўнгилни куйлатади, инсонни эзгуликка етаклайди. Айниқса она Ватанни мадҳ этиб куйлаш бахт, улкан шараф. Қиёси йўқ шундай жаннатмонанд юртни дилдан куйлагинг келади, албатта.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Танловлар**

## ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Давлат консерваториясида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг республика саралаш босқичи ўтказилди.

Мазкур танловда ушбу тизим ҳудудий босқичларида ғолибликни қўлга киритган иқтидорли ижрочилар ва ҳаваскорлик жамоалари қатнашдилар. Тадбир очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б.Сайфуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ёш истеъдодларни аниқлаш, уларни улкан ижодий ютуқлар сари илҳомлантиришда бу каби танловлар муҳим омил эканлигини таъкидладилар.

— Жорий йилги танловнинг вазирлик тизими босқичларида етти мингдан ортиқ иштирокчи, 140 га яқин бадиий жамоа иштирок этганлиги мазкур ижодий беллашувга бўлган қизиқишнинг йил сайин ортиб бораётганидан далолатдир, — дейди танловнинг ҳакамлар ҳайъати раиси, Ўзбекистон санъат арбоби Ҳабибулла Раҳимов. — Якуний босқичда элликдан зиёд хонанданинг қўшиқлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Танловни ўтказишдан мақсад, халқимиз, авваламбор ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни юртимизнинг маънавий мулкига айлантиришдан иборат. Истиқлолни, Ватанни, бунёдкор халқимизни мадҳ этувчи юксак савиядаги мусиқий асарларни яратишда яқиндан кўмаклашишда, ижодкорлар ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланишида мазкур ижодий танловнинг аҳамияти катта.

Танлов якунида ғолиблар аниқланди. Биринчи ўринга Тошкент шаҳридан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўктам Аҳмедов ва андижонлик Машҳурбек Раимжонов лойиқ деб топилди. Иккинчи ўринга Умурзоқ Қувватов (Қашқадарё), Нўъмонжон Аҳмедов ва Шерали Исҳоқов (Фарғона) сазовор бўлди. Учинчи ўрин Ваҳобиддин ва Нуриддин Бахриев (Самарқанд), «Ниҳол» мукофоти совриндори Сарвиноз Аннақулова ҳамда «Жигитлер» гуруҳи (Қорақалпоғистон Республикаси), Рушана Раҳмоновага (Навоий вилояти) насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар танловнинг якуний республика босқичида иштирок этадилар.

Дарҳақиқат, бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган Ўзбекистонимизни мадҳ этиб куйлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидойилик қилиб яшаш инсоний бурчимиздир.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

**Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси**

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА — ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ

**Хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш параметрларини таъминловчи бир қатор ҳудудий дастурлар ижроси кўриб чиқилди.**

Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Раҳмонбек Усмонов олиб борди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ҳудудий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун деярли 328,7 миллиард сўм сарфланди. Бу эса умумий йиллик сарф-харажатларнинг 64 фоиздан зиёдини ташкил этмоқда. Ушбу маблағларнинг асосий қисми (321 миллиард сўм) тижорат банклари кредитлари ҳисобига тўғри келади.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ Ш.МИРЗИЁЕВНИНГ «ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ, ШУНИНГДЕК, «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲИСОБОТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 15-бандига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ҳукумат томонидан амалга оширилаётган демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасидаги чора-тадбирлар дастури ҳақидаги ҳисоботини эшитди. Шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши ҳам кўриб чиқилди. Таъкидландики, Концепция мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини изчил демократлаштириш, ҳокимият тармоқларга бўлинишининг конституциявий принципини амалга ошириш, шунингдек демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришда янги босқични белгилаб берди.

Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш Концепцияга мувофиқ 2011 йил апрель ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98 моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини рўёбга чиқаришда амалий қадам бўлди, бинобарин бу марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим дастурларини бажариш борасидаги фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш бўйича қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини, ваколатларини кучайтиришнинг муҳим омили бўлди.

Маърузада таъкидланганидек, ҳукумат бозор ислоҳотларининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурини бажариш мақсадида 2011 йилнинг биринчи ярмида Ҳукумат томонидан «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига (бундан буён матнда Давлат дастури деб юритилади) мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар комплекси амалга оширилди. Кичик бизнес субъектларининг давлат харидлари тизимида иштирок этишини ҳамда юқори ликвидли маҳсулотлар олиш имкониятини кенгайтириш, экспорт қилувчи корхоналарнинг маҳсулотларини ва олиб кириладиган технология асбоб-ускуналарини сертификатлаштириш тартибини анча соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига дахлдор солиқ текширувларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида 22,8 мингдан ортиқ кичик бизнес корхонаси ташкил этилди, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўрни яратилди. Кичик бизнес корхоналарининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ҳажми 20,4 фоиз, экспорт ва ўз маҳсулотини биржа савдолари орқали реализация қилиш ҳажмлари 1,5 баробар кўпайди.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиб шуни таъкидлайдики, бозор иқтисодий ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилиш йўлида янада илгарилаб бориш бўйича Ҳукумат томонидан олиб борилаётган иш ҳозирча Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қўйилган талабларга жавоб бермайди, жорий йил учун тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури эса белгиланган муддатлардан жиддий равишда орқада қолиб амалга оширилмоқда.

Бундай вазият, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг маърузасида баён қилинган иқтисодиётни ислоҳ қилишни ва биринчи навбатда, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш, хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатлари тизимини яратиш бўйича олиб борилаётган барча ишни янги даражага кўтаришнинг қатъий зарурлиги тўғрисидаги талабларга дахлдордир.

Бозор иқтисодиётининг асоси ҳисобланган хусусий мулкни ривожлантириш йўлидаги барча ғовларни бартараф этиш, ортиқча бюрократик тўсиқларга барҳам берадиган, иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлайдиган, хусусий мулк кўламларини кенгайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улуши ошишига кўмаклашадиган қонун ҳужжатларини қабул қилиш жуда муҳим.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларига хусусий инвесторлар жалб этилишини рағбатлантириш, хусусий мулк реал иқтисодиёт соҳасида, биринчи навбатда, саноатда ва унинг етакчи тармоқларида етакчи ўринни эгаллашига эришиш ўз ечимини талаб қилаётган долзарб масаладир.

Давлат ва назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуви ҳолларига тоқат қилиб бўлмайди, уларни таг-томири билан йўқ қилиб ташлаш керак.

*(Давоми 2-бетда)*

## ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

«Тошкент» сейсмик станциясининг маълумотига кўра, 2011 йил 20 июль тунги соат 00.35 да мамлакатимиз ҳудудида ер силкиниши қайд этилди. Зилзила эпицентри Тошкент шаҳридан 235 километр узоқликда, жануби-шарқий йўналишда, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари чегарасида бўлиб, у ерда ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 7-8 баллни ташкил этган.

Ернинг силкиниш кучи Андижон ва Фарғона вилоятларида 5 балл, Наманган вилоятида 4 балл, Тошкент шаҳрида эса 5 балл даражасида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг маълумотларига кўра, зилзила оқибатида Фарғона вилоятининг Риштон, Боғдод ва Ўзбекистон туманларида айрим эски уй-жойларга шикаст етган. Бунинг оқибатида 13 нафар фуқаро ҳалок бўлган, жароҳат олганлардан 86 нафарига биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 35 нафари шифохоналарга ётқизилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг топшириғига биноан республика ҳукумати томонидан табиий офат оқибатларини бартараф этиш, жабр кўрганларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарияти зилзила оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Наманган туманидаги Боғишамол қишлоғида дори-дармон воситалари ишлаб чиқарадиган «Merrymed farm» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Лойиҳа қиймати 1 миллион 109 минг АҚШ долларилик мазкур қўшма корхонага хориждан замонавий технологик линия олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир 20 га яқин иш ўрни яратилган «Merrymed farm»да кунига 30 минг қутидан зиёд 10 турдаги дори-дармон воситалари тайёрланмоқда.**

**● Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги «Қорабайир» масъулияти чекланган жамиятида гўштни қайта ишлаш бўйича янги лойиҳа амалга оширилди. 135 миллион сўмлик маблағ эвазига хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида бу ерда кунига ярим тоннагача колбаса маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.**

**● Бухоро вилоятининг Олот туманилик тадбиркор Гулруҳ Атамуродова тикувчиликка ихтисослаштирилган «Марҳамат плюс» масъулияти чекланган жамиятини ишга туширди. Бунинг учун ишбилармонга банк томонидан ажратилган 40 миллион сўмлик кредит ҳамда ўзининг 30 миллион сўмлик маблағи қўл келди. Йигирмадан ортиқ иш ўрни яратилган корхонада буюртмачиларга дастлабки қирқ миллион сўмлик тикувчилик маҳсулотлари етказиб берилди.**

**● «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ Шофиркон туманининг Наққош қишлоғида тикувчилик корхонаси ишга туширилди. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Бухоро вилояти филиалининг молиявий кўмагида корхона цехларига замонавий тикув машиналари ўрнатилди, етарли микдорда хом ашё заҳираси яратилди. Корхона болалар кийим-кечаклари тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, маҳсулотлар ҳозирча ички бозорга чиқарилмоқда. Кейинчалик экспорт ҳам қилинади. Қирқ нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланди. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади. Йил охирига бориб, корхона ишчилари сонини 100 кишига етказиш кўзда тутилган.**

### ЖАҲОНДА

**● Япония бош вазири Наото Кан миллий телевидение орқали мамлакат аҳолисига мурожаат қилди. У атом энергетикасидан босқичма-босқич воз кечиб, муқобил турдаги экологик тоза қувват манбаларидан фойдаланишнинг кенг йўлга қўйилишини таъкидлади.**

**● Севастополдаги «Альбатрос» оромгоҳидан тарқалган ўткир ичак инфекцияси қўшни дам олиш масканларига ҳам ўтмоқда. Украина санитария назорати органлари томонидан мамлакатдаги олти юздан ортиқ болалар лагерлари қатъий текширувдан ўтказилаётир. Ҳозиргача улардан 162 тасида санитария меъёрлари бузилаётгани аниқлангани учун фаолиятдан тўхтатилди.**

**● Бразилияда бир неча кундан бери ёғаётган ёмғир мамлакатнинг бир қатор ҳудудларида сув тошқинларини келтириб чиқарди. Натижада 13 минг одам бошпанасиз қолган. Кўплаб уйлар, таълим муассасалари ва маъмурий биноларни сув босган.**

**● Италиялик археологлар мамлакат шимолидан бундан тахминан беш минг йил муқаддам яшаган аёл киши жасадини топишди. Қадимшунослар ушбу ноёб топилмага мамлакатнинг Франция ва Швейцария билан чегара ҳудудида жойлашган Валле-д'Аоста вилоятидаги Энтро шаҳрида дуч келганлар. Ҳозир ушбу топилма борасида текшириш олиб бориш учун мутахассислар гуруҳи жалб этилган. Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, 1991 йилда ҳам Италияда шунга ўхшаш топилмага дуч келинганди. Ўшанда Альп тоғларида топилган жасад эрамиздан авалги 3365-3118 йиллар оралиғида яшаган одамга тегишли эканлиги аниқланганди.**

**● Автомобиль саноати етакчиларидан бири «Крайслер» компанияси 2008-2011 йиллар оралиғида чиқарган айрим турдаги машиналарини қайтариб олишини маълум қилди. 242 минг донадан ортиқ «Додж Рэм» русумидаги автомобиллар бошқарувида жиддий носозлик кузатилгани туфайли компания маъмурияти шу қарорга келган.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ

# ҚЎШМА ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ Ш.МИРЗИЁЕВНИНГ «ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ, ШУНИНГДЕК, «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲИСОБОТИ ҲАҚИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мажлис давомида таъкидландики, 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини рўёбга чиқариш Ўзбекистон учун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига самарали қарши туриш, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш имконини берди. Шу билан бирга жаҳон иқтисодиётидаги ишларнинг аҳволи, кўпгина мамлакатларда давлат қарзининг ўсиши, бюджет тақчиллигининг кўпайиб бораётганлиги, бу эса ўз навбатида давлат харажатлари жиддий камайишига, жаҳон молия бозорини мустаҳкамланмаган пул массаси билан тўлдиришга олиб келаётганлиги каби салбий ҳолатларнинг мавжудлиги, бу жараёнлар Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам албатта дахл қилиши назарда тутиладиган бўлса, бизни жиддий ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Шу жиҳатдан олганда иқтисодиётдаги, юқори технологияли ишлаб чиқаришлар илдам ривожланишини таъминлаш борасидаги тузилмавий ўзгаришларнинг орқада қолаётганлиги, инновацион технологияларни жорий этишнинг ҳолати ташвишга солмоқда.

Иқтисодиётни диверсификациялаш масалалари жуда жиддий эътиборни талаб қилади. Инвестиция дастурига киритилган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашнинг энг муҳим йўналишлари бўйича ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилишида ва бир қатор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишида қолоқликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу ўринда, энг аввало, Навоий иссиқлик электр станциясида газни сиқиб ўтказувчи компрессор станцияси, республика минтақаларида автомобилларни газ ёнилғиси билан таъминловчи компрессор станциялари тармоғи қурилиши, «Сирдарё иссиқлик электр станцияси – «Лочин» подстанцияси» 500 кВ ҳаво йўлини реконструкция қилиш, шунингдек, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси корхоналарида уй-рўзғор маиший техникаси ишлаб чиқариш ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ лойиҳалар назарда тутилмоқда.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган товарларнинг, энг аввало, истеъмол товарларининг сифати, ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги масалалари жиддий бўлиб қолмоқда. Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш борасидаги ишлар мутлақо етарли эмас. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг тахминан 10 фоизи ҳозирги кунда корхоналар омборларида қолиб кетмоқда. Мебель ишлаб чиқарувчи «Файз» холдинг компанияси маҳсулотлари, ип-газламалар, мева-сабзавот консервалари ва бошқа шу кабилар тайёр маҳсулотлар қолдиқларининг энг кўп микдорини ташкил этади.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилишини таъминлаш мумкин бўлган товарларнинг кўп турларини, энг аввало, истеъмол товарларини импорт қилиш давом этмоқда. Булар жумласига кондиционерлар, совутгичлар, кимёвий иплар, парфюмерия-косметика ва ювиш воситалари, болалар ўйинчоқлари, ёритиш асбоб-ускуналари, маргарин, сариёғ ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бир қатор тармоқлар ва корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ортиб бораётганлиги, олинган кредитларни ўз вақтида қайтариш борасидаги аҳвол жиддий ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмас. Энг кўп кредиторлик ва дебиторлик қарзлари «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналарида юзага келган бўлиб, жами дебиторлик қарзларининг 91,1 фоизи ва кредиторлик қарзларининг 81,8 фоизи ана шу корхоналарга тўғри келади.

Умуман олганда зарар кўриб ишловчи корхоналар камайган бўлса-да, иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарнинг сони кўплигича қолмоқда. Уларнинг аксариятини коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналари ташкил этади. «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида молиявий жиҳатдан оғир аҳвол сақланиб қолмоқда, ушбу жамиятда банкротлик тартиб-таомилларини амалга ошириш бошланган.

Олий Мажлис шуни таъкидлайдики, сўнгги йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, либераллаштириш ва модернизация қилишга қаратилган жами 400 тадан ортиқ қонун қабул қилинди. Айни вақтда қабул қилинган қонунларни амалга ошириш бўйича ёндашувлар жиҳатидан ҳам, уларнинг ижросини назорат қилиш жиҳатидан ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётини тубдан ўзгартириш талаб қилинмоқда. Бу эса, биринчи навбатда, қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга оширилишини назорат қилиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаётганлигидан, шу жумладан, депутатлар корпусининг эътибори сустлигидан далолат беради.

Жорий йилнинг биринчи ярмида адлия органлари томонидан ўтказилган текширувларнинг якунлари бўйича давлат бошқаруви органларининг 169 та ғайриқонуний қарори бекор қилинди, 742 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди, уларнинг 45 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 100 нафардан ортиғи эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Концепцияда, Давлат дастурида мамлакатда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР**:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар тавсия этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан кўриб чиқиш якунларини Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлисида муҳокама қилиш, муҳокама жараёнида билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни, ушбу Қарорнинг қоидаларини амалга оширишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар мажмуини белгилаш;

Концепциянинг VI бўлимида ҳамда Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилиши мунтазам равишда қатъий назорат қилинишини, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ушбу вазифалар сўзсиз бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини оширишни таъминлаш;

иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари мансабдор шахслар томонидан бузилганлиги учун тегишли жавобгарлик чора-тадбирларини белгилаш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатасига киритиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликни таъминлаш, улар фаолиятидаги бюрократизм, расмиятчилик, коррупция кўринишларига қарши курашиш юзасидан қонунда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Чет эл инвестицияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини, янги таҳрирдаги Божхона кодексини ўз вақтида сифатли ишлаб чиқишни ташкил этиш ва шу йилнинг III чорагида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш;

Концепция қоидаларини амалга ошириш доирасида тайёрланган ва катта ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларини кенг муҳокама этиш ҳамда жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни, шу жумладан бу ишга тижорат ва тадбиркорлик тузилмалари, жамоатчилик ва нодавлат нотижорат ташкилотларни кенг жалб этиш йўли билан ташкил этиш;

экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашни ва юқори қўшимча қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, илмий ечимлар талаб қиладиган, юқори технологияли экспортга мўлжалланган саноат ишлаб чиқаришларини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини кўриш;

2011 йилнинг II ярмида фаолиятнинг лицензияланадиган турлари рўйхатини ва давлат бошқаруви органлари томонидан амалга ошириладиган рухсатнома бериш тартиб-таомилларини қисқартириш, қабул қилинган қарорларни амалга оширишда масъулиятсизликка, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун ортиқча бюрократик тўсиқлар ва ғовлар яратилишига йўл қўяётган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги чора-тадбирларини кучайтириш юзасидан қўшимча таклифлар киритиш;

жорий йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўзларининг эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ ишга жойлаштирилишини таъминлаш, шу жумладан уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ҳисобидан иш билан таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари дирекциялари, ўқувчилар ва корхоналар ўртасида тузилган уч томонлама шартномаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш;

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини минтақаларда бажариш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш қандай бораётганлиги мониторинг қилиниши ва ҳар ойда танқидий кўриб чиқилишини таъминлаш.

3. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар бериш; тадбиркорларнинг солиқ ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларини соддалаштириш; кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришнинг ортиқча тартиб-таомилларини бартараф этиш чора-тадбирларини назарда тутувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар киритишни жадаллаштиришлари зарур, деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этиш борасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг батафсил ва ҳар томонлама экспертиза қилинишини, бу соҳада қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ўртасидаги бири-бирини такрорлашлар ва қарама-қаршиликлар истисно этилишини таъминлаш;

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан ғайриқонуний ҳаракатларни амалга оширишидан ҳолатларига йўл қўймасликка, шу жумладан вазирликлар ва идораларнинг, вилоятлар ҳокимларининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини чеклайдиган қонун ости ҳужжатларини, қарорларини бекор қилишни таъминлаш орқали йўл қўймасликка; бу соҳада ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги тўғрисида таклифлар тайёрлашга қаратилган ишларни кучайтирсин;

давлат бошқаруви органлари, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунлар ижросига риоя этилиши устидан, қонун ҳужжатлари нормаларининг бузилишига, эркин, нотўғри талқин қилиниши ва қўлланилишига йўл қўймаслик устидан қатъий назорат қилишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ–1438-сонли Қарорига мувофиқ банк тизимининг барқарорлигини янада ошириш ва уни мустаҳкамлаш, 2011–2015 йилларда тижорат банкларининг жами капиталини 2,1 баравар кўпайтириш;

кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларига бўлган асосланган эҳтиёжларини, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва технологик янгилашга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ ҳажмда таъминлаш;

банк ва бошқа молия хизматлари бозорида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, тадбиркорлик субъектларига, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик ҳолатларига йўл қўймаслик;

тижорат банкларининг қонун ҳужжатларига, мижозлар билан ишлашдаги ишбилармонлик ва касб одобига риоя этиш борасидаги фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатиш чораларини кўрсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, вазирликлар ва идораларга қуйидагилар тавсия этилсин:

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида, Давлат дастурининг иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қисмида назарда тутилган вазифалар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув учун, бундай ҳолатларга давлатнинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир сиёсатига қарши туриш сифатида қараб, мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чора-тадбирлар кўриш;

минтақаларда янги замонавий кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун ер участкаларини ҳамда тайёр муҳандислик-коммуникация тармоқларига эга бўлган, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини ўз вақтида ажратиш масалаларини ҳал этишни алоҳида назоратга олиш;

минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жойларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда фуқаролик институтлари, энг аввало фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан самарали алоқани, ижтимоий шериклик муносабатларини изчил чуқурлаштириб боришни таъминлаш;

ташкил этилган иш ўринлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳақидаги ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталари:

қабул қилинаётган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан амалга оширилаётган назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин, қўмиталар, депутатлар ва сенаторлар демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг моҳияти ва муҳимлигини жойларда тушунтиришга доир ишларда фаол иштирок этишига эришсин;

киритилаётган қонун лойиҳалари мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг бориши эҳтиёжларини, мамлакатимизда тўпланган ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда чуқур танқидий таҳлил қилиниши ҳамда ишланишини таъминласин;

назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида парламент эшитувларига киритилаётган масалаларни чуқур ўрганишга, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ ва асосланган таклифларни ишлаб чиқишга алоҳида эътиборни қаратсин, бу ишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари кенг иштирок этишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати:

Сенат қўмиталари минтақаларга бориб, ушбу қўшма қарорнинг қандай бажарилаётганлигини, шу жумладан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт, Молия, Адлия вазирликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари томонидан бажарилишини кўриб чиқишга бағишланган парламент эшитувларини ўтказишини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш чоғида, ушбу Қарорда белгиланганидек, тижорат банклари томонидан иқтисодиётни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги вазифаларнинг бажарилишига асосий эътиборни қаратсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига қуйидагилар тавсия этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан кўриб чиқиш якунларини навбатдаги мажлислар ва сессияларда муҳокама қилиш;

Концепциянинг демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган қоидалари, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ҳудудий дастурлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилишининг бориши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш.

10. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери**
**Д.ТОШМУҲАМЕДОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**
**И.СОБИРОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 15 июль*

# ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА — ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мазкур масала юзасидан ахборот берган шаҳар ҳокими ўринбосари Фазлитдин Зияев шарҳига кўра, дастурда кўзда тутилган қулай бизнес муҳитини максимал даражада яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, рухсат берувчи меъёр ва чекланмаларни қисқартириш борасида ўтган давр мобайнида бир қатор тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтида кичик ва хусусий бизнес фаолиятини тартибга солувчи янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар бериб борувчи ҳамда тадбиркорлардан ноқонуний аралашувлар бўйича ариза ва шикоятлар қабул қилувчи бўлим ташкил этилган, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун яратилган алоҳида саҳифада бўш майдонлар, бошқа имкониятлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб борилиши йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Давлат мулк қўмитаси, Савдо-саноат палатаси сайтларида ҳам сотилиши белгиланган ёки ижарага берилиши назарда тутилган объектлар юзасидан ахборот мунтазам равишда янгиланиб борилади. Шу билан бирга оммавий ахборот воситаларида ҳам тегишли эълонлар доимий чоп этилаётир.

Кейинги давр мобайнида мониторинг асосида аниқланган бўш майдонларнинг 713,6 минг квадрат метрдан иборат қисми кичик ва хусусий бизнес субъектларига ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун ажратилган.

Ҳар жума кунлари туманларда ҳокимликлар ва назорат қилувчи органлар ҳамкорлигида «Тадбиркор куни» ташкил этилиши ҳам ўз самарасини бермоқда. Ўтган вақт ичида шундай тадбирлар доирасида тадбиркорларнинг олтмишга яқин муаммоларининг жойида ҳал этилишига эришилган.

Давлат ва жамоат тузилмаларида «ишонч телефонлари»нинг кенг жорий этилаётганини кузатиш мумкин.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан жорий йил учун белгиланган текширишлар режа-жадвалига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар қайта таҳлил этилиб, фаолият бошлаганига уч йил тўлмаган 86 та кичик бизнес субъекти текширишлар рўйхатидан чиқарилиб, барқарор ишлаши учун қулай фурсат яратиб берилди.

Янги корхона ёки ташкилотдан электрон шаклда буюртма-ариза қабул қилиш тизими йўлга қўйилди. Эътиборлиси, ушбу хизмат бошқарма томонидан бепул амалга оширилади, самарага эса 24 соат ичида эришилади.

Солиқ идоралари саъй-ҳаракатлари билан беминнат электрон бухгалтерия ҳисоботи тизими яратилди.

Кредит маблағлари ҳажмини ошириш меъёрларининг янада такомиллаштирилиши натижасида биринчи ярим йиллик давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун тижорат банклари томонидан 753,7 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилган (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробарга кўп). Ушбу маблағларнинг асосий қисми кичик бизнес субъектларининг 3,1 мингта лойиҳасини молиялаштиришга сарфланган. Яна бир эътиборли томони, ажратилган кредитлар ҳисобига олти мингта янги иш ўрни яратилган.

Хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилиши натижасида олти ой давомида ижтимоий-маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида элликдан зиёд шохобча ташкил этилган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 2,4 триллион сўмга тенг турли хизматлар кўрсатилган.

— Янги объектлар фойдаланишга топширилиши эвазига 82,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, шундан 8,6 миллион долларга тенги экспортга йўналтирилган.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 12,9 миллион долларга тенг сармоя ўзлаштирилиши ҳисобига замонавий технологиялар асосида тўқимачилик, чармни қайта ишлаш, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш саноатини ривожлантириш йўналишида 26 та ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилди.

Умуман олганда, ҳисобот даврида 1,4 триллион сўмлик ишлаб чиқарилган маҳсулот кичик ва хусусий бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда (шундан 464,2 миллион долларга тенги экспорт қилинган).

Сессияда таъкидлаб ўтилганидек, бундай юқори кўрсаткичларга эришишда, шубҳасиз, Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилаётгани ҳам асос бўлган.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимизда моҳиятан ва мазмунан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг кенг қамровли дастури сифатида хизмат қилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган қарор қабул қилинган. Сессия кун тартибида мазкур қарордан келиб чиқадиган вазифаларнинг ихроси Учтепа тумани мисолида кўриб чиқилди.

Бу борада ҳисобот берган туман ҳокими Аваз Рустамов, жумладан, туманда олти ой давомида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми етти фоизга, халқ истеъмоли моллари ҳажми — 4,6 фоизга ошган. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 25,4 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Шу вақт ичида 209 миллиард сўмга тенг хизматлар кўрсатилган бўлса, таққослаш асосида ушбу кўрсаткичнинг 11,9 фоизга ошгани маълум бўлди.

Саккизта йирик субъектни соғломлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар қўлланди. Айни пайтда эса олтита корхонанинг фаолиятида барқарорликка эришилди.

Туман ташқи иқтисодий фаолияти йўналишида ҳам ижобий кўрсаткичлар ошиб бормоқда. Ҳисобот даврида экспорт қилинган маҳсулот ва хизматлар ҳажми 59 миллион долларни ташкил этиб, бу ўтган йилнинг шу даврига таққосланганда етти бароборга ортганидан далолат беради.

Олмазор туманида эса экспорт ҳажми авваламбор саноат корхоналарида модернизация жараёнларининг кенг татбиқ этилаётгани боис ошди.

Туман ҳокими Обид Зайниддинов бу ҳақда ахборот берар экан, хусусан, мутасадди ташкилотларга инвестиция дастурининг тўлиқ ва вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида ўн иккита ишлаб чиқариш корхонаси бўйича мавжуд бўлган конвертация масаласи, имтиёзли кредит олиш, асбоб-ускуналар олиб келишда божхона тўловларидан озод қилиш юзасидан киритилган таклифларнинг ижобий ҳал этилгани ва пировардида инвестиция дастурида кўзда тутилган асосий вазифаларни бажарилишига ҳам эришилганлигини таъкидлаб ўтди.

Жорий йил якунига қадар туманда бир қатор янги ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Жумладан, «Омад алмагиз барака» МЧЖнинг икки минг квадрат метрдан иборат бўш турган биносида банк томонидан ажратилган икки миллиард сўмлик кредит ҳисобига учинчи чоракда замонавий технологиялар асосида қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги цехнинг ишга туширилиши режалаштирилган. Бу ерда қўшимча 250 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. «Тетра-фуд» МЧЖнинг бўш турган 1,5 минг квадрат метрга тенг ишлаб чиқариш биноси негизида 250 минг доллар миқдоридаги инвестиция ҳисобига бир кунда ўттиз тонна парранда озуқасини тайёрлаш қувватига эга хорижий ускунани монтаж қилиш ишлари тугалланмоқда.

Ҳамза тумани ҳокими Шуҳрат Абдуқодиров ахборотига кўра, шу кунгача иқтисодий ночор бўлган 17 та йирик корхона ўз фаолиятини яхшилашга муваффақ бўлди. Бунинг натижасида 441 та иш ўрни қайта яратилди. Айни пайтда мониторинг ўтказилиши режалаштирилган 468 та корхонадан 124 тасида бўш майдон ва бинолар хатловга олиниб, бу жойларга бевосита бино мулкдорлари билан биргаликда инвесторларни жалб этиш ишлари бошлаб юборилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотига кўра, туман ҳокимликларининг мулк эгалари билан узвий саъй-ҳаракатлари натижасида 235 та корхонанинг фаолияти қайта тикланиб, бунинг ҳисобига 1,1 мингта иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, янги ишлаб чиқариш объектларининг фойдаланишга топширилиши натижасида 735 дан зиёд, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва янгилаш ҳисобига — деярли 4,1 мингта қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

Бош бошқарма бошлиғи Фуркат Халилов таъкидлаганидек, ўрта махсус ўқув юртлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Шу кунгача уч томонлама шартнома асосида 8,7 мингдан ортиқ битирувчи доимий иш билан таъминланган (жорий йилда фақат коллежларни 39,3 мингдан кўп ўғил-қизлар битирган, шулардан 27,5 фоизи олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш истагида. 84 нафар битирувчи тадбиркорлик фаолиятини бошлаган).

Шундай бўлсада, сессияда ҳар бир туман миқёсида қўшимча иш ўринларини яратиш борасида имкониятлар ҳали кўплиги ва уларни ишга солишда депутатлар ҳам ўз фаоллигини кўрсатиши лозим деган таклифлар билдирилди.

Айтиб ўтиш жоизки, сессия кун тартибида кўриб чиқилган аксарият ҳудудий дастурлар аввал Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларида, шунингдек, Кенгашдаги партия гуруҳлари йиғилишларида кенг муҳокама қилинган. Ҳар бир дастур ижросининг долзарб аҳамият касб этиши инобатга олингани ҳолда доимий комиссиялар аъзолари томонидан бевосита жойига чиқиб ўрганишлар ўтказилган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, сессияда кўриб чиқилган масалалар юзасидан сўзга чиққан депутатлар Эркин Тошев, Дилшод Шоумаров, Шавкат Иргашев ва Учқун Шаимқулов ҳар бир дастурнинг ижроси долзарб аҳамият касб этиши ва биринчи навбатда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг асосий йўналишларига мос равишда таъминланиши даркор дея, бу борада тегишли тавсиялар бериб ўтишди. Бу борада айниқса саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим аҳамият касб этиши, шу жумладан туман ҳокимликлари, депутатларнинг ҳам фаоллиги сезиларли бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Сессияда жорий йил май-июнь ойларида ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловлар якунлари ҳам кўриб чиқилди, Кенгашнинг Қонунийлик, ҳуқуқтартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг фаолияти юзасидан ахборот тингланди. Депутатлар навбатдаги сессияда муҳокама қилиниши кўзда тутилган масалалар билан ҳам таништириб ўтилди.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши маълумотлари асосида тайёрланди**

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!







## МИЛЛИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА

### (1992 йил)

**1992 йил дунё харитасида янгидан пайдо бўлган – Ўзбекистон Республикасининг демократик асосда халқ тарафидан сайланган Президенти раҳбарлигида янги давлатни қуриш, мустақилликни мустаҳкамлаш кайфияти билан бошланди.**

Тарих эсдан чиққани йўқ. Бу эзгу ният, олий мақсадга қарши кучлар ҳам оз эмас эди. Истиқлолни тушунган ҳам, ҳали унинг моҳиятига етиб-етмаган ҳам бор эди.

Мураккаб кунларни ҳам бошдан кечирдик...

Истиқлол солномасида 1992 йил учун ажратилган саҳифаларга нисбатан кўпроқ ёзувлар битилган.

13 январда Республика Байналмилал маданият маркази тузилди (Эсингизда бўлса, 2007 йили бу Марказ ташкил этилганининг 15 йиллиги катта тантаналар билан нишонланди).

14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистоннинг ўз Қуролли Кучлари ташкил этилди. Ҳарбий қўшилмалар, бирлашмалар, ҳарбий ўқув юртлари, муассасалар, ташкилотлар, республика ҳудудида жойлашган бошқа ҳарбий қисмлар Ўзбекистон Республикаси назоратига олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 декабрдаги қарорига кўра, 1994 йилдан 14 январни Ватан ҳимоячилари куни сифатида байрам қилиб келамиз.

21 январда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси иш бошлади.

21 февралда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил топди.

Олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга киришилди. 26 январда Қорақалпоқ университетига Бердақ номи берилди. 28 январда Андижон қишлоқ хўжалиги институти, 15 мартда эса Урганч давлат университети, Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети, Навоий педагогика институти, Термиз давлат университети, Қарши давлат университети, шунингдек, Жиззах политехника институти, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти ташкил этилди.

2 март куни Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Шўро даврида бу энг нуфузли халқаро ташкилотга собиқ иттифоқ билан бирга Украина ва Белорусия ҳам аъзо эди. Лекин бошқа республикалар, жумладан, Ўзбекистон аъзо қилинмаган.

Бу, жаҳон аҳамиятига эга масалалар муҳокамасига сенлар қатнашма, дегани эди. Демак, ўшанда «тенглар ичра тенг» эмас эканмиз-да. Бўлмаса, қолган иттифоқдош республикаларни аъзо қилмасликдан кўзланган асл мақсад нима бўлган?

1992 йилнинг 2 мартида БМТга аъзо мамлакатлар сафида Ўзбекистон байроғининг ҳилпираши миллий ғуруримизга ғурур қўшди.

БМТда Ўзбекистон байроғи тикилган 1992 йилнинг 2 марти куни Америкада яшаётган қанчадан-қанча ватандошларимиз БМТ Бош Ассамблеяси биноси олдига тўпланди. Баъзи ҳамюртларимиз ҳаяжонларини яширолмай, ўпкалари тўлиб, дил сўзларини изҳор этишди.

Уларни нима бунчалар қувонтирди экан, дерсиз? Ўзбекистон байроғи кўтарилганда ватандошларимиз ҳаммадан кўра кўпроқ қарсак чалишди, худди байрам кунлари мушаклар осмонга отилганда болалар қувончларини қий-чувлашиб ифодалагандек, ҳамма бир-бирини қутлаган, қучоқлаган, қалб туғёнлари бевосита тилга чиққан эди...

Уларни ҳаддан ортиқ хушнуд этган нарса – Ўзбекистонимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ўз МИЛЛИЙ БАЙРОҒИ билан боргани бўлди.

Шунда мазкур нуқтада ҳам Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритган қўшни давлатларга нисбатан аввалқадамлик қилгани аён бўлди. Чунки Марказий Осиёнинг БМТга ўша куни аъзо бўлган бошқа давлатлари ўзининг шўро давридаги ўроқ-болғали эски қизил байроғини кўтариб борди-да (Улар кейин миллий байроғини қабул қилиб, алмаштириб қўйишди, албатта).

АҚШда яшовчи бир ватандошимиз бундай деб ёзганди: «Халқлар орасида: «Юрт қадрини – мусофирдан, эрк қадрини – қулдан сўра!» – деган гап бор. Бунга ортиқ изоҳ керак эмас. Юртимизнинг қадри ҳам, эрки ҳам биз – хориждаги туркистонликлар учун аён. Энди эса юртимиз байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида мағрур ҳилпираб турибди».

Мустақиллик, чиндан ҳам, бизнинг тенглар ичра тенг бўлишимизни таъминлади.

22 мартда Ўзбекистон Халқаро Олимпиада қўмитасига аъзо бўлди.

24 мартда Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари тузилди.

27 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити биринчи кунларини умумхалқ байрами – дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармони имзоланди. Кейинчалик ана шу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 131-моддасида бу икки кун умумхалқ байрамлари сирасига киритилди.

Айнан мустақиллик ана шу қадимий диний байрамларимизни эмин-эркин нишонлашимизга имкон яратди.

31 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тузилди. Бунинг аҳамияти шу қадар катта эдики, тарихда илк бор олимлар Ўзбекистон Республикасининг ўзидан фан номзоди ва фан доктори деган илмий даражалар, катта илмий ходим, доцент, профессор деган илмий унвонлар олиш бахтига мушарраф бўлишди. Шу тариқа илмий даража ва унвонлар тақдирини юракни ҳовучлаб Москвадан кутиб ётишлар мудҳиш тарих бўлиб қолди.

9 апрель биз – ўзбекистонликлар учун улуғ саналардан бири эканини кўпларимиз билмас, билсак ҳам, ҳеч айта олмас эдик. 1992 йили худди шу куни ҳозирги Миллий театр ҳовлисида ош тортилди, Соҳибқирон Амир Темур руҳи покига дуойи фотиҳалар ўқилди. Зиёлиларимиз кўзларидаги ажиб бир ҳадик аралаш қувонч учқунлари шундоқ хотирамда муҳрланиб қолган. Бир йил олдин айтса, ишониб бўлмайдиган гап эди бу. Чунки Сталин даврининг қатағонларини кўрган, тоза жабрини тортган ота-оналаримиз қўрққанларидан, ҳатто, Амир Темур ҳақида эртак айтишга қўйишмаган бизни...

15 майда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ташкил этилди.

23 майда буюк шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан Наманганда Бобораҳим Машраб музейи ва ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига бир йил тўлиб-тўлмай Давлат гербига эга бўлди – 2 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 10-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида» Қонуни қабул қилинди. Бугун Ўзбекистонни жаҳоннинг турли бурчакларида гербига қараб ҳам танишади. Давлат герби – мамлакат фуқаролари учун муқаддас ҳисобланган белги. У юрагида Ватан туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий ҳис, ўзига хос ғурур, энг муҳими, юртга меҳр уйғотади. Ўзбекистон бир узук бўлса Давлат герби – гўё шу узукнинг кўзи.

10 августда Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси ташкил этилди.

23 сентябрда Тошкентда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил топди.

16 ноябрда Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Ўзбекистонда БМТ ваколатхонасини очиш тўғрисида Битим имзоланди (Бу ваколатхона 1993 йилнинг 24 августида расман очилди).

**ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ**

Очиғини айтганда, 1992 йил Ўзбекистон Республикаси учун Конституцияни тайёрлаш ва қабул қилиш йили бўлди. Давлат раҳбарининг ўша йили босилиб чиққан «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари мазмун-моҳиятида ҳам Конституция яратиш тамойиллари (принциплари) таҳлили биринчи ўринда туради. Бошқача айтганда, бу асарнинг ёзилиши билан Конституцияни яратиш жараёнлари бирга кечган. Буни унинг охирги саҳифасида битилган мана бу сўзлардан ҳам билиб олса бўлади: «Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. ...Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради».

Шундай бўляпти ҳам.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинди.

Бу Конституция – «Муқаддима», жами 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат.

«Муқаддима»да Асосий Қонуннинг барча муҳим тамойиллари (принциплари) баён этилган:

«Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига йиллар давомида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрида қабул қилинган Қонуни билан Конституциянинг парламент депутатлари сони билан боғлиқ моддасига ўзгартириш киритилди.

2002 йил 27 январида ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелида қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XVIII, XIX, XX ва XXIII бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелида қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилди

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрида қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 февралида қабул қилинган Қонуни билан Конституциянинг 78-, 80-, 93-, 96- ва 98-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хуллас, Конституциямиз ҳозирги замон давлатчилиги ва демократиянинг энг юксак талаблари асосида яратилди. Кейинги йилларда давлатчилигимиз тараққиёти билан боғлиқ равишда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар уни янада такомиллаштиришга хизмат қилди.

Конституцияни билиш фуқарога нима беради?

Ҳамонки, Конституция давлатимизнинг энг асосий қонуни экан, биз бугун шундай саволни ўртага қўйишга ҳақлимиз. Эртага, индинга ҳам ўз-ўзимизга шу саволни бераверамиз. Қабул қилинганининг 8 йиллигини нишонлаганимиздан кейин, яъни 2001 йилнинг 4 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияни ўрганиш тўғрисидаги Фармойиши имзолангани ҳам бежиз эмас. Бу Фармойиш ижроси ҳозир ҳам изчил давом этяпти. Конституцияни ўрганиш мамлакат фуқаролари учун ҳамиша долзарб вазифа бўлиб тураверади. Сабаби – ҳар қандай қонуннинг қадри унга амал қилиш даражаси билан ўлчанади. Конституцияга оғишмай амал қилиши учун фуқаролар уни яхши билиши шарт.

Конституциямизда бугун фуқаро эскича қарашларидан воз кечиб, тамоман янги тасаввурларга эга бўлишини таъминлайдиган талай моддалар борки, улар моҳиятини билмаслик – амалда замондан орқада қолиш, шу жамият вакили бўла туриб, ундан узилиб яшаш, деган гап.

Конституциямиз «Муқаддима»си: «Ўзбекистон халқи», – деган сўзлар билан бошланади. Асосий Қонуннинг 7-моддасида аниқ-тиниқ қилиб: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», – деган сўзлар ёзиб қўйилган. Давомида «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб» иш тутиши қайд этилган.

Хўш, бу ерда қайси халқ ҳақида сўз юритиляпти? Албатта, ягона Ўзбекистон халқи ҳақида! Бу халқ ким? Аниқ жавобни ҳам Конституциямизнинг ўзиданоқ – навбатдаги 8-моддадан топамиз: «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади». Демак, Ўзбекистон Республикасида битта халқ яшайди – Ўзбекистон халқи! Улар — Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир миллат вакили.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти баъзи нутқ ва маърузаларида: «Халқимиз, миллатимиз...», – дея сўз бошлайди. «Халқимиз» дейилганда 27 миллионли аҳоли, «миллатимиз» дейилганда эса шу аҳолининг 80 фоиздан ошиғини ташкил этадиган ўзбек миллати кўзда тутилади.

Конституциямиз ҳам жаҳондаги энг илғор умуминсоний, демократик қатъиятларга тўла мос келади, ҳам унда ўзимизнинг миллий тийнатимиздан келиб чиқилган моддалар мавжуд.

Хўш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг миллийлиги айнан нималарда кўринади?

Ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандлар учун масъуллиги дунёнинг аксар давлатлари конституцияларида бўлса керак. Чунки ҳамма миллат ва элатда ҳам боласини вояга етказиш, тарбиялаш, оёққа қўйиш муаммоси ва масъулияти бор-да. Конституциямизнинг 64-моддасида айни шу мажбурият қайд этилган. Аммо 66-моддадаги мана бу вазифа фуқаро зиммасига айнан ўзимизнинг миллий тийнатимиздан келиб чиқиб юклатилган: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар».

Бошқа барча қонунлар Конституция асосида яратилади. «Оила кодекси»нинг 108-моддасида Асосий Қонунимизнинг ана шу 66-моддасига таянган ҳолда кексайиб қолган ота-она вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзанди қарамай, ҳолидан хабар олмай қўйганидан шикоят қилиб, судга ариза билан мурожаат этса, суд фарзандга ота ё онасига ёрдам пули тўлаши мажбуриятини юклаши мумкинлиги қайд этилган.

Конституция шундай катта ва кучли ҳужжатки, ундаги ҳар бир қоида, чизги ёки қайд ё бевосита ҳаётдаги муҳим бир йўналишга изн беради... Масалан, 40-модда қисқагина бир жумладан иборат, холос: «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга». Аммо ана шу қатъият ҳар кимга малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини бериш билан бирга, кишиларни даволашда йўл қўйилиши мумкин бўлган малакасиз ёндашувнинг олдини олади.

...Мустақил давлат фуқароси жамият билан бирга қадам ташлаши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан эмин-эркин фойдаланиши, бурчларини масъулият билан бажо келтириши, шахсий манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштириши, тараққиётдан ортда қолмаслиги, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиши учун ҳам унинг қўлида Конституция бўлиши керак.

1992 йил халқимизга шу имконни берди.

10 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Шўро даврида ҳам Ўзбекистоннинг ўз байроғи, герби ва мадҳияси бор эди. Лекин улар, аслида, хўжакўрсинга қабул қилинган бунинг устига, уларнинг мазмун-моҳияти айнан мустамлакачилик руҳида эди. Ахир, ўзи қолиб, мустамлакачи давлат халқини улуғлаган мадҳия миллий мадҳия бўла олармиди?

XX аср 80-йиллари ўрталаридан эркинлик ва демократия шабадалари эсиб, халқда ўзликни англаш қайта куртак отганди. 1989 йил ёзидан эътиборан, аниқроғи, Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлганидан кейин миллий ўзликни англаш жараёни янада кучайиб, тезлашиб кетди ва тобора жадаллашиб борди. Бу янги давлатчилигимиз тарихига оид тадқиқотларда бирмунча яхши ёритилган.

Давлат мадҳияси сифатида қабул қилинган матн – ҳар жиҳатдан, яъни куйю оҳанги, жарангу садоси, мазмун-моҳияти, ижтимоий-сиёсий залвори тарафидан ҳам кучли.

Мана, ўша 1992 йилдан буён мадҳиямиз жаранглаганда ҳаммамиз уни тик туриб эшитамиз, имконини топсак, жўр бўлиб куйлаймиз. Тилгинаси чиқиб-чиқмай боғчага борган болакайларимиз уйга келиб, ўзининг чучук «шева»сида «Серқуёш...»ни айтиб берса, беихтиёр кўзларимизга ёш айлангандек бўлади. Шундай юртга эга бўлганимиз, Ватанни шундай баралла мадҳ этаётганимизга шукроналар қиламиз.

12 декабрда Нукус шаҳрининг 60 йиллиги нишонланди.

Кўп нарса дастлабки қадамнинг шаштига боғлиқ, деган гап бор.

Ўзбекистоннинг мустақил бўлганидан кейинги биринчи йили ана шундай сермазмун ўтганини келтирилган воқеалардан ҳам билса бўлади.

**Султонмурод ОЛИМ**

**(Давоми бор)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, судьялар, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кўлами кенгайиб, самарадорлиги янада ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичида бу борадаги ишларни янада кучайтириш долзарб вазифалардандир.

Пленумда «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарор лойиҳаси муҳокама этилди.

Мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Оиланинг негизи мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга. Жумладан, Асосий Қонунимизда қайд этилганидек, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Оила билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асослари истиқлол йилларида янги маъно ва мазмун касб этди. Жамиятда оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, эр-хотин ўртасидаги турли мулкий, шахсий номулкий муносабатларни тартибга солиш мақсадида Оила кодекси қабул қилингани бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Айни пайтда ушбу йўналишдаги қонунчилик изчил такомиллашмоқда. Шу муносабат билан Олий суд пленумининг 1998 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори қайта ўрганиб чиқилди ва янги таҳрирдаги лойиҳа тайёрланди. Унда никоҳни тугатиш асослари, аёл ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар эътиборга олиши лозим бўлган ҳолатлар, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволарнинг судловга тааллуқлилиги, даъво аризаларига қўйиладиган талаблар аниқ акс эттирилган.

Бундан ташқари, қарор лойиҳасида оилавий ҳаётдаги вақтинчалик келишмовчилик ва тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек, эр-хотиннинг жиддий сабаблар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги ажрашиш учун етарли асос бўла олмаслиги ҳақидаги тушунтиришлар ҳам ўз аксини топди.

Никоҳдан ажратиш ёки никоҳдан ажратишни рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарорига қўйиладиган талаблар ва эр-хотиндан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдорини белгилашда эътибор бериладиган жиҳатлар, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилиши, судлар бундай даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасини аниқлаши, Оила кодексининг 49-моддасида кўрсатилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари қатъий бўлиб, уларни кенгайтириб талқин этишга йўл қўйилмаслиги ҳам қарор лойиҳасида белгиланди.

Мажлисда «Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида»ги қарор лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар инобатга олинган ҳолда, пленум қарори конструкциявий тузилишини Фуқаролик кодексининг 5-бўлими (ворислик ҳуқуқи)га мувофиқлаштириш ҳамда амалдаги пленум қарорининг ўзбек ва рус тилидаги матнларини бир-бирига айнан мослигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қабул қилинган пленум қарорлари амалдаги қонунларни тўғри татбиқ этиш, ягона суд амалиётини шакллантириш, қисқача айтганда, жамиятимизда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашга хизмат қилади.

* * *

**Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда келгусидаги устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда асосий эътибор Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суд тизими олдига қўйилган вазифаларнинг ижросига қаратилди.

2011 йилнинг биринчи ярмида мамлакат умумюрисдикция судлари томонидан одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 208 мингдан ортиқ фуқаролик иши кўриб чиқилди. Шунингдек, 614 мингдан зиёд суд буйруғи чиқарилди. Фуқаролик ишларининг 91,3 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилди, шундан 96,1 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилди.

Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар амалиётда ўз самарасини бермоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари амалга жорий этилгандан буён 102 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 17 минг 689 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида келиб тушган илтимосномаларнинг сони 2011 йилнинг биринчи ярмида 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 43 фоиз камайди.

Йиғилишда қайд этилганидек, фуқароларнинг судларга мурожаати йилдан-йилга ортиб бораётгани уларда ҳуқуқий маданият ва суд орқали ўз ҳуқуқларини тиклашга бўлган ишонч юксалаётганидан далолатдир. Бу судьялар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Замирида инсон тақдири турган ҳар бир мурожаатни қонуний тарзда ва ўз вақтида ҳал этиш улардан юксак билим ва одилликни талаб этади.

Йиғилишда судлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар, суднинг обрўсига путур етказадиган ҳолатлар атрофлича муҳокама этилди. Одил судловни амалга ошириш, адолатни қарор топтиришда қонуний ва адолатли суд қарорларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтириш, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканлиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **22 июль** куни ҳаво бироз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича ҳаво бироз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-23, кундузи — 33-38 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **22 июлда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

